



TURKISTON

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 27 февраль • Шанба • 25 (14053)

ترکستان



TURKISTAN

Нархи 5 сўм.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

25 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулқошим Муталов раислигида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон халқ ноиблари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар ва иждоий ташкилотлар, жамғармалар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашди.

Наврўз кенг нишонлаш, шунингдек, миллий урф-одатлар негизда умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, ватанга муҳаббат туйғусини, она юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва оқсоқилликни янада мустаҳкамлаш руҳида ўтказиш лозимлиги таъкидланди. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимлари

раҳбарлигида байрамга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жамғармасининг «Маҳалла», «Наврўз», «ЭКОСАН». Шаароф Рашидов номидаги жамғармаларнинг байрам тадбирларини маблағ билан таъминлашга кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари ҳамда Ўзбекистон Давлат теле радиокорпорацияси ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг 21 март кўнига мўлжалланган телемарафон



КОМПЬЮТЕРЛЕНД — АЛЬТ-СОФТ — ФЕСТИВАЛИ

Ҳа, ҳа, ана шу тилнинг эўрага айланган номини айтганда ташкилотлар шу йилнинг май ойларида Ўзбекистон ёшлари учун катта байрам ўтказиб беришни ўз зиммаларига олдилар. Фақат буларгина эмас, яна кўпгина ташкилотлар ва ташкилотчилар бор. Фақат улар ҳақида сал кейинроқ.

нинг яқини Босқичи — ўзбек — америка ёшларининг олимпиадасини ўтказиш кўламинида. Олимпиадада куч синишидан иборатгина бўлиб қолмайди, турли тантанали тадбирлар, концертлар ҳам уюштирилади. Ушундан кўра АҚШ, Ҳиндистон, Буюк Британия билан Ўзбекистон қўшма корхоналари, республикадаги компьютерлар ишлаб чиқариш ҳамда савдо қилиш, дастурлаштириш билан шуғулланувчи турли фирмалар ўз намуналарини кўргазмага қўйишлари мумкин.

ЯНГИ ВАЗИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов фармонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири этиб тайинланди.



«Сойга Хабар» газетаси журналистлари туман ҳудудига қатнайдиган автобусларда юрганликлари учун қира ҳақи тўламайдиган бўлишиди. Қошиқ эди, шундай имтиёз вилоят ва республика журналистларига ҳам берилса.

«ИНСОФЛИ» УҒРИЛАР

Чироқчи туманидаги Қўдала қишлоғида гагали Уғрилар пайдо бўлди. Улар қўғиларнинг гўштини оқиб, калла-поясини терисини уй этасига қолдириб кетмоқда.

ҲОКИМ БИЛАН МУЛОҚОТ

Сурхондарё вилояти ҳокими Қасим Бердиев журналистлар билан учрашув ўтказди. Ҳоким вилоятдаги халқ ҳужалиги ва маданият соҳаларидаги оқимлар ва муаммолар хусусида сўзлаб берди.

МИС КАРАМ ВА... АЛАМ

Ўқинда Тўйтепа шаҳри яқинидаги ДАН постда автоном инспекторлар юк ортилган КамАЗ автомашинаси тўхташидан эди. Гулистон шаҳридаги «Метан» кичик корхонасига қарашли бу автомашинани карами ортилган экан. Лекин бу деҳқончилик жуда «қимматбах» чиқиб қолди. Қарамига, азаматлар карами остига уч тонна мисни «тузлаган» экан. Хуллас, назоратчиларнинг хуш

ЖУРНАЛИСТЛАРДАН ҚИРА ҲАҚИ ОЛИНМАЙДИ

Яқинда Сариев туман ҳокими Иноят Сунатовнинг ўқинда журналистларнинг қири олиниши айтилди.




КИМ АМРИҚОГА БОРАДИ?

Унгача ҳали бор. Айни пайтда эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири билан Американида АСПРЛ ташкилоти вакили Мунаввар Олғун 9—11-синф ўқувчилари орасидан инглиз тилини пухта билладиган аълочи болаларни таст йўли билан таллаб олмақда. Мазкур тадбир АҚШнинг «Эркинликни қўллаб-қувватлаш битими» дастурига асосан ўтказилмақда.

РЎЗАДОРЛАРГА — ЗОГОРА НОН

Неча йилки мактабда бошланғич синф ўқувчилари текширишга қўйилганда. Икки тўшмак нон, бир дона тухум, ёқуд котлет деганларидек...



ЎҚИШГА... ИМТИҲОНСИЗ

ЎҚИШГА... ИМТИҲОНСИЗ

Республикамизда биринчи марта мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқ вакили бўлиб «Еш ҳуқуқшунос» олимпиадаси ўтказилмақда. Қуни кеча Адлия вазирлигида бўлиб ўтган йилгида шунга қарайди. Шу билан бирга олимпиадада Низоми ишлаб чиқилди, унга кўра мазкур олимпиаданинг Республика солиҳларидан икки ўқувчи Тошкент Давлат юридик институтига таъсис, тўрт ўқувчи эса Тошкент юридик коллежида кириш имтиҳонларини қабул қилинади.

ТАЛАБАЛАР ХИЗМАТИДА

Жиззах шаҳрининг Йўлдош Оқунбоев номидаги 6-урта мактабда еттига биринчи синф бор. Улардан бирига тажрибали ўқитувчи Ҳабоба Ортиқова дарс беради. Иккинчи чорак якунига кўра бу синф ўқувчиларининг 95 фоиз фарларни фақат «аъло» баҳога ўзлаштириди. Махсус комиссия қарорига асосан 25 нафар иккинчи дорид ўқувчи бир поғона юзюрга «кўтарилади». Айни пайтда уларга иккинчи синф дастури асосида билим берилмоқда.

МАСЖИД ҚУРИЛДИ

Бир йил муқаддам Жиззах туманига қарашли Ҳ. Носиров номидаги давлат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида оқсоқоллар хоҳиши йироқсини инобатга олиб масжид қуришга қарор қилинган эди.

БОЙ ОТАЛАР «ТОЮТА» МИНИШМАГАН...

Шу кунларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани хўжаликларига от-аравалар пайдо бўлиб қолди. Металдан пишиқ қилиб ишланган енгил ва қулай бу арваларни туман таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси усталари тайёрлашмоқда.

Утган йили 17 та арава хўжаликлар ва фермерларга соғиланган эди. Янги йилда эса яна бешта етказиб берилди. Буюртмаларни қўлайяпти. Янги кунларда корхонанинг дуррадорлик ҳеҳида эгар, тортема, бўйична каби анжомлар ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

ЎҚИШГА... ИМТИҲОНСИЗ

Утган йили 17 та арава хўжаликлар ва фермерларга соғиланган эди. Янги йилда эса яна бешта етказиб берилди. Буюртмаларни қўлайяпти. Янги кунларда корхонанинг дуррадорлик ҳеҳида эгар, тортема, бўйична каби анжомлар ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

ВАТАНГА ҚАЙТМОҚДАЛАР

Қўшни Тожикистон жумҳуриятида юз берган кўнгилсиз воқеалар кўпчилигининг оромини бузди. Иссиқ ўрнини тарк этишга мажбур бўлган одамлар тинч-осойишта ўлкалардан паноҳ ахтарди: Ана шундай оғир шароитда ўзбек халқи, Ўзбекистон Президенти ҳамдардлик, меҳмондўстлик билан жабрдийдаларни бағрига олди.

Уларни тураржой, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлади. Барча вилоятларда тожикистонлик қочқинларга ёрдам жамғармалари тузилди, маблағ йиғилди.

ОЛАБУҚАЛИКЛАР

ТОШКЕНТДА ҲАҚИЕТГАН ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШИШДИ

Дунёда қизиқ жойлар, қизиқ юрталар, қизиқ одамлар ва яна қизиқ ноилар бор. Шулардан бири Олабуқалар ва Ингичўрғон туманида. Ўзбекистоннинг этак томонидан жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг. Носонсой ва Ингичўрғон туманлари билан чегарадош.

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

РОЗИ БУЛИШМАГАН. ҲОЗИРГА КЕЛИБ ЭСА НОМ ТЎҒРИСИДА ГАПЛАР ЙЎҚ. ОЛАБУҚА ОЛАБУҚАЛИГЧА ҚОЛДИ.

Туманининг Сафедбилло, Оқтоғ, Оққўрғон, Қўрғонга кишлоқлари ва марказиде аксарият ўзбеклар яшамади. Шунданми, мактабни битирган болалар тўғри Тошкентга қараб равона бўлишди. Чунки пойтахт Бешкекда ўзбекча тахсил даргоҳлари йўқ, шунданми, Тошкентга ўрганиб қолган.

МАДАТБЕК ОГА 1991 ЙИЛИ МЎЙНОҚ НОХИЯСИДА «АМУДАР» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ «ҚИЗИК КЕМА»

Мададбек ога 1991 йили Мўйноқ ноҳиясинида «Амудар» жамоа хўжалиги тасарруфидаги «Қизик кема» кўлини шартнома асосида ижарага олганди. Ташланган қўлдаги кўлини аслига қайтариш ва балиқ Устириш учун бир мавсум этиб ортди. Бир йилдан сўнг очиниша қарор қилиши — уларнинг ҳаммасига балиқ этиштирилаётган кўл номи — «Қизик кема» берилди.

НАРХДА ТОПШИРИШ МУМКИН.


Демак, ишлаша бўларкан. Атиги икки йил муқаддам ташландиқ қўлда ётган жамоа хўжалиги ҳатто кўлини ташлашга режалаштирган кичкинагина кўл ишбилармон кишининг ҳаттиҳаракатлари туялиди. Бир йилда обод қўшага, сериаромад тармоқига айланди. Бундан хўжалиққа фойда — газанга анча пул тушаётди. Бундан — балиқчи Мададбой Галиева, унинг онасига ва бира меҳнат қилаётган балиқчиларга фойда. Бузор интисоидети шартинида қўиланмай тиричилигини ўтказишга етарли маош олишарди. Яна аҳол манами — гўшт маҳсулотлари нархи эси омон қадар сапчанг замонада балиқни небаган арзон нархларда харид қилиш мумкин.

ЁШЛАР МАРКАЗИ — МИЛЛИОНЕР

Бугунги кунда аввало ҳамининг ўйла-майдиган ташкилот ёки корхона касодга учраши турган гап. Деяно шаҳридаги ёшлар марказининг директори Холмирза Абдуллаевнинг хурсандчилик билан айтишича:

САРАТДА: ЗАВОДИНИНГ ЭНГ ЁШ ҲЎПОНИ ОТАМУРД

Сафаров ёш бўлишга қарамай илгорлар сафида.



Ш. ШАРОПОВ сурати.

ЎТган йили завод қоракўччилари ҳар юз бош соғилдан бир юз бештадан кўзи олиб, 75 фоизни ўстиришга қўлдорилган эди. Бу йил ҳам бир юз бештадан кўзи олиниб кўлаб, ўстиришга 85 фоизини қолдириши мўлжалланмоқда.

САРАТДА: ЗАВОДИНИНГ ЭНГ ЁШ ҲЎПОНИ ОТАМУРД

Сафаров ёш бўлишга қарамай илгорлар сафида.

ЁШЛАР МАРКАЗИНИНГ ҚУДАЛИК ИШЛАРИ ТУРДИ-ТУМАН. ГИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЯПТИ.

Автобилларни ремонт қилиш теҳни бор. Бундан ташқари қурилиш бригадасининг ҳам натижалари яхши. Хуллас, тўқсон нафарга яқин ёш иш билан таъминланган бу марказ ҳақиқий меҳнат масканига айланган.

ЎТган йили 17 та арава хўжаликлар ва фермерларга соғиланган эди. Янги йилда эса яна бешта етказиб берилди.

Буюртмаларни қўлайяпти. Янги кунларда корхонанинг дуррадорлик ҳеҳида эгар, тортема, бўйична каби анжомлар ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

НУКУС — ХЎЖАЛИ ИЛИНИНГ ШУНДОҚ ЁН БИҚИНИДА ШИНАМТИГА БАЛИҚХОНА ЖОЙЛАШГАН.

Нукус — Хўжайли йилининг шундоқ ён биқинида шинамтига балиқхона жойлашган. Узоқ йўлдан чарчаб келадиган йилларга тушиб бозор қилиб кетгани қулдики, шу ердан ўтаётганда албатта тўхтаёйсиз. Қовурилатган балиқ ҳиди ўзинга тортади. Яна Орлов

ОРОЛБЎЙИДА «ОЛТИН КЕМА»

Мўйноқ балиқчилиги ишлаб чиқариш бирлашмасига дастлабки тонна маҳсулотини топширди. Даромад ҳаракатларини қоплаб ўтди. Уш жамғармаларига ҳам ангагина пул қолди. Ишбилармон балиқчи фақат тирлик балиқ сотишдан кўп даромад олиш қийинлигини биларди. Ахир вақт сарф-харajatларини бир неча баробар ошириб юборганди. Шунинг учун иккинчи йиллик Нукус шаҳрининг ўзиде уч ўрнида балиқхона



«УЗОҚ ШАРҚЛИК» КАРНАЙЧИ.

Мухаммад АМИН сурати.

Захириддин Мухаммад Бобур юбилейи арафасида

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида буюк давлат арбоби, саркарда, шоир ва тарихчи олим Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди. ЎЗА мужбири мазкур анжуман қатнашчилари билан сузбашлади.

Тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мужбири Сабоҳат Азизжонов:


— Шоҳ Бобур ўзининг серқирра ижоди, юксак инсоний туйғуларнинг тарғиботчиси ва донишмандлиги билан олам ичра яна бир оламдир, — деди оlima.

«Бобурнома» бутун жаҳонда тан олинган ноёб асардир. Бобур Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида алоқа боғлаган эди. Бу алоқаларни

Хиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқуллод ва мухтор элчиси Далил Мехта:

— Захириддин Бобур ва унинг ворислари Хиндистон ҳаётига ҳар жиҳатдан таъсир ўтказдилар. Бу таъсир, санъат, маданият ва давлат бошқарувида ҳозир ҳам сезилиб турибди. Хусусан, Деҳли ва Аграни Ислон ўқоқлари деб атасак арзийди. Бобурнинг невараси шоҳ Акбар Тож маҳални, бошқа шаҳарларда жомеъе масжидларини қурди.

«Бобурнома» бутун жаҳонда тан олинган ноёб асардир. Бобур Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида алоқа боғлаган эди. Бу алоқаларни



янада кенгайтириш эса бизнинг вазифамиздир. П. НИШОНОВ, (ЎЗА мужбири).

Ҳодиса

САҲРОДАГИ ОТИШМА

ЕКИ МИЛИЦИЯ ХИМОЯСИДАГИ «РЕИС»

Ҳаммаси чет эл детектив фильмларидагидек бўлди.

...Тун. Олисда изм-из келатган учта юк машинаси Ўзбекистон Қозғонистон чегарасидаги назорат постига яқинлашган, негадир тезликни оширди. Божхона ходимининг «Тўхта» деган курсатмасига КамАЗлардан бирининг ҳайдовчиси уни бостириб кетишга уриниш билан «жавоб берди». Назоратчи чаққонлик билан йўл четига отилди.

Пост ёнида ҳар эҳтимолга қарши «УАЗ» энгил автомобили тахт турган эди. Божхона ходимлари зудлик билан қондабузарларнинг изига тушибди. Сахро йўли Қозғонистонга олиб чиқар, сел сусткашлик қилинса, «шавозлар» ўзга юртга утиб кетар эди. Божхона ходимларининг бир неча марта «Тўхта» дея қилган ишораларига юк машинасидагилар асло эътибор бермасди.

Охирик чора қўлланди — катта тезликда келатган юк машиналарининг гидиракларини нишонга олиб кетма-кет ўқ узилди.

— Текширишда аниқланишча, — деди Давлат божхона кўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Ражаб Бобокӯлов, — Қозғонистонга ғайриқонуний равишда юк олиб келатган учала машинани Каттакўрғон шаҳар суд-тебиб эксперти Холмат Раҳмоновнинг шахсий машинасида шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари — милиция капитани Ғулом Турсунов ва милиция катта лейтенанти Субҳиддин Милюев кузатиб келатган экан. Ҳайдовчиларнинг икитаси Раҳмоновнинг укаси бўлиб, давлат рақамлари «60—95 СНЛ», «54—10 СНМ» ва «17—35 СНЛ» бўлган машиналарда умумий қиймати 5 миллион 200 минг сўмлик 42 тонна майиз олиб чиқиб кетилаётган экан. Улар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қондабузарларнинг ҳар бири 5 минг сўмдан жарама тўлади. Ғайриқонуний юкни кузатиб келатган милиция ходимларига нисбатан тегишли чора қўриш учун Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасига тақдирнома юборилган. И. САБАРОВ, ЎЗА мужбири.

ХАНДАЛАР

Кичкина чувалчанг онасидан сўради: — Ойи, деданг қанила? — Деданг уч-тўртта киши билан балиқ овига кетди. — О, азизим, яқинда яна биттага қўлаямиз, учта бўламиз. — Йўқ-е, бириладан-я, наҳотки?! — Ҳа, нишонининг, онам кўнб келмоқчи. — Қаҳва ичаётган миқоз офидантин қақирди-да, деди: — Нема, бу қаҳвами, ё юнидан? — Узингиз фарғдай олмайсанми? — Йўқ. — Ундай бўлса, сизга барибар эмасми, фарғдай бор-маганингиздан кейин. — Аёй эрдан сўради: — Туғилган кунингизга янма истайсиз? — Ҳеч бўлмаса бир кунга соғон бўлишимни.

Булар иқир-чиқирларми? Жовли бобо «аттанг» деди

Жовли бобо Термизга бориб ҳашаматли дўконлардан бирига кирди. Тумонат одам. Навбатда туришиб сал арзонроқ газламадан олишяпти. Харidorлар даста-даста пул ва купонларни дўкончига узатишар, харид қилинган матоҳни қўлига катта ҳазинага эга бўлгандек севиниб чиқиб кетишмоқдайд.

Бобо бир чеккада маъюс туриб қолди: «Эҳ, аттанг, аттанг. Кейнатойни уйлантиришга шу савилдан ороқ етмай турувди-я. Кампири қурғур эрталаб бор-йўғи 100 сўмлик купон бериб юборибди. У ҳам бўлса эски экан... Булар купонсиз сотишмасан».

Бозорни, дўконларни беҳуда айлаиб, охири чойхонага кирди. Вир қапир палов, нон, чойни нафд 60 сўмга олиб ўтирди-да, ўзинча ҳақидан кеңирди: «Бу пулга илгари дунёнинг оҳқатини берарди. Олтмиш сўмга яхши бир қўй, етти кило гўшт, жуда бўлмаса кичиналарга беш-олтита пойфазал бўлар эди. Энди-чи? Бу пул билан кўчага чиқишга уяласан. Худога шуқур, овқатланганимга купон олишмайди. Йўқса, менга ўхшаган оч қолиб кетарди».

Уйга кела солиб кампирга дардини ёрди: — Кампир, бутун мени пичоқсиз сўйдинг. Аёйи чўнб тушди: — Нимага, отаси? Тинчликми? — Эртанга Термизга кетаётганимни билар эдинг. Бор-йўғи 100 сўмлик купон берибсан-а. Магазинда зўр-зўр материалларнинг устидан чиқди. Олайин десам, купон йўқ. Ишқилиб ёмон қаридинг-да.

— Ибий, улайин. Эски эканми-я? — Момо шундай дед келинлигиде сеп қилиб берилган, энди туени билб бўлмайдиган сандан 10, 50, 100 талик купонлардан бир дастасини ва янги чиққан 1000 талик купонлардан яна тўрт-бештасини олди-да, Жовли бобонинг олдига ташлади.

— Мана бундан кейин киссасига солиб юрсин. Мени айбламайдиган бўлади. Салдан сўнг боғдан кетмоннинг овози эшитилди. Жовли бобо катта-катта кесакларни баҳоли қудрат майдалар экан, бутунги сарсончилигини ўйлаб сира иши унмасди.

Раззоқ ШОИМҚАРОВ, ТошДД толиби.

Кундузги талончилик

Жиззах шаҳар автостанцияси яқинида куппундуз техникаси икки ўқувчисининг йўлини тўсишди. Уларни калтаклаб, «Мелодия» маркали магнитофон, жемпер, этик ва етти юз сўм пулларини тортиб олишди. Оператив-қидирув тадбирлари натижасида қароқчиларнинг қилмиги тезда аниқланди ва қўлга олинди. Уғрилган моллар улардан тортиб олинди. Тергов давом этмоқда.

Арақ айборми?

Олмалик халқ суди маст холде мушталашиб, ўз қариндошини ўлдириб қўйган Р. Фахриевни ўн йил озоликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Жазо муҳлатини каттиқ тартибдаги ахлоқ туза-тиш-муҳлат колониясида ўтатиш белгиланди. Бу ҳақдаги қарарни суднинг олдинги ҳеч қим ҳақига келтирилган эди. Қариндошлар бириликда арақ ичишди, зифат чўзилиб кетди. Меҳмон қариндошини тунб қолди. Кейин яна ичишди, нард ўйнашди... Зифат шифатсиз мушталаш билан тугади. Меҳмон бошига тушган каттик зарбадан ҳалок бўлди.

Газета саҳифаланаётганда: ЎЗА МУХБИРЛАРИДАН ҚУИДАГИ ИККИ ХАБАРНИ ОЛДИК.

Келгуси сонда:

● «МУХБИР ЖУНАТИНГ, МУХАРИРИ»

● РЕКХАН И Н Г МУХАББАТИ

● АРМОНДА КЕТАН ГЕНЕРАЛ

Унда ёзилишича, Гиждувон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиғи бошқаруви раиси С. Адизов, бош ҳисобчи Й. Носиров ва хазиначи Х. Маъидов вазифасидан бўшатилди.

Сабабини айтишга тил бормайди. Бу учала амалдор жамоа хўжалиғидан ҳомиладор аёлларга қўшимча нафақа тўлаш ҳақида қалбани ҳужжат тўзиб, чорак миллион сўмга яқин пулни талон-тарож қилган. Ҳали дунёга келмаган гўдаклар уларга оқ сўт беравини оналар ҳақиқа хилнат қилган бу шахслар шу кунларда қил-мишларидан пушаймон бўлиб, терговга қатнаб юришбди.

Нуробод туманидаги «Саъгон» ижара хўжалиғида қўтондан чиққан даҳшатли ёнғин натижасида 300 қўй ноубуд бўлди. Ут ўчиртувчилар бу манзарани кўриб хайратдан ёқа ушлади. Бир кўра қўй ва чўпон кўнигоҳи кўлга айланган эди. Милым бўлишича, чўпон ярим тунда пелга олов ёқиб, уя-кўга кетган экан. Печч носозлиги туфайли аввал у ётган хона, кейин кўтон ёна бошлади. Чўпоннинг қўйларни ташқарига ҳайдашга уриниши зов кетбди. Тахликада қолган жониворлар ўзини қоронғуликка эмас, ёруғликка ураверибди...

Сиз билан қаердадир учрашганмиз

Ислон АХМЕДОВ: «ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШМАЙМАН»



Саломатлиги анча тикланиб, кўнглида катта футболга қайтмоқда иштиёқ эфр эди. Аммо касалхонада командадошларини кўриб қўзларни ошника термулиб ётганда, дўсти Анвар Рашидовдан бошқа ҳеч қим сўздорлаб келмади. Бу ҳақда бирова сўз демади. Нима бўлса қийайман, деди. Бир нечта командага борди ҳам. Лекин олимшари, Балки айрим тренерлар кимнингдир ўйлаб топган «Ахмедов футболни тарк этармиш, ўй-нолмасмиш» деган чўпчанга ишонган шеклиди. Янги йил ҳам яқинлашди. Ишдан дарак йўқ. Оилани эса боқиб кирак. Охири мактабга жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишга кирди.

1989 йилнинг январда «Трактор»нинг тренери В. Бабаанов ўз ҳузурига қақирди. Футболни севгани, ундан эрта воз кечмаслиги учун унинг таклифига рози бўлди. Бу пайтга келиб Ўзе-

кистоннинг бош командаси «Пахтакор»ни гаройиб воқеалар кузатган эди. Командани 17-ўринда юрган пайти қабул қилиб, тўртинчи ўринга олиб чиққан Биродар Абдураимовнинг бошида таёқлар синди. У командадан четлаштирилиб, ўринга бир пайтлари «Шахтёр»га тренерлик қилган, мукай-тан чол В. Носовни олиб

бахтни ато этган киши. Унинг жамоаси ҳуқуқий томондан ҳам тан олинган. Ҳозир шу туманда «Ислон» малакали футболчилар тайёрлаш маркази ишлаб турибди. У озми-кўми бир мавсум «Пахтакор-79»да ўйнаб бешларга фойдаси тегди. Команданинг молдий жиҳатдан қийналиб қолганлиги тўғрисида газеталарда ён-шиди.

— Ўзбекистонда футболни қисқа муҳлатлар ичиде оёқ-ка турғизи, жаҳондаги кучли жамоалардан бирига айлантириш мумкин, — дейди Ислон Ахмедов. — Худога шуқур, йилнинг биринчи икки кунларини ҳисобга олмасак, ҳар доим футбол ўйнаш мумкин. Бирок, биз табиатиимиз сабабидан тўғри фойдаланмаймиш. Узинида шароит бўла туриб кўнглимиз йироқларни тўсайди. Мавсум тугаши биланок Ўзбекистоннинг жамоалари бошқа юртларга тайёргарлик қургани жўнаб кетишди. Утган йили дам олдишга қудай ҳудудларга боришни чўнғаги кўтармаган ўрусиянинг бир нечта жамоаси бизнинг базаларимизда машғулотлар олиб боришди. Тўғриси айтганим бўлсак, бу бизлар учун турган биттаги даромад ҳам эди. Икким шароитдан келиб чиқиб, қишда йирик хорижий командалар иштирокида тижорат турнирларини ўтказиш ҳам мумкин. Ўзбекистон Футбол федерацияси ана шу имкониятдан фойдалана олса яхши бўларди, — дейди у мулоҳаза билан. — Бизнинг бу марказни очишдан мақсадимиз «Пахтакор-79» га муносаб футболчиларни тайёрлаб бериш. Янги қурилатган спорт кўшонаси битиб қолса, ўзини ҳам турли жамоаларнинг танилиб элиб катта-катта мусобақалар ўтказмоқчимиз. Ҳозирданок Қозғонистон, Украина, ўрусия, Туркия, командалари бизнинг ҳамюртлариде ўтказадиган турнирларимизда қатнашишга рози. Мухими, Федерациядагилар қўшимча бас.

... ЯХШИДАН бос қолади, деган улду ҳикмат бор. Ислон Ахмедов ҳам ана шундай янглалар билан ўзига хос бос — маҳаллий болалардан тузилладиган футбол мактабини тўзди. Асосийси, ишлар бошланди. Мухими, унинг қишлоғида одамлар фахрландиган жамоа бор. Шуниси унинг бахти. Демак, Ислон Ахмедов футбол билан хайрлашмайди...

Мирза АБДУЛЛА.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ
Тахрир хайвати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЕЗОВ, К.РАХИМОВ, З.РИХСИЕВ (масвул котиб), Қ.ЭШМАТОВ.

Тавсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЭШАЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
«ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш Ленин» номи билан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиесати ҳамда фан ва ҳақ таъами — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадийи бешаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700028, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607
Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.